

## Жаъфар Мансурга насиҳат



08:00 / 13.03.2020 2426

Фирёбий раҳматуллоҳи алайҳдан ривоят қилинади: «Суфён Саврийнинг шундай деганини эшитдим: «Минода Абу Жаъфар Мансурнинг олдига кирдим ва унга: «Аллоҳдан қўрқ! Сен бу лавозимга, бу даражага муҳожиру ансорларнинг қиличи билан эришдинг. Уларнинг фарзандлари эса очликдан ўляпти. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ҳаж қилганларида ўн беш динор ишлатганлар, холос», деб уни кўп харажат қилишдан қайтардим. Шунда у менга: «Мени ҳам ўзингдек бўлишимни хоҳлаяпсанми?» деди. Мен: «Мендек бўлмайсан. Лекин бу ҳолатингдан пастда, менинг ҳолатимдан эса юқорида бўл», дедим.

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**